

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САМАРАЛИ ЗАХИРА ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ РИСКНИ БОШҚАРИШ

*Э.Санақулов*

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

*Аннотация.* Банк активлари таснифланишини тўғри йўлга қўйиш, уни доимий назорат қилиб бориш, банк тизимида бўлаётган ўзгаришлар мослаштириш, таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш банклар самарали фаолиятининг гаровидир. Банк активлари таснифланганда муаммоли активларни олдини олиш ва камайтириш чоралари кўрилади. Шундай усуллардан бири ссудалар (активлар) бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни ташкил этиш ҳисобланади.

Тасниф, (арабча саралаш, тартибга солиш) классификация –илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар. Тасниф ҳар бир фанга хос муҳим мантиқий амал бўлиб, унинг воситасида шу фан доирасида тўпланган билимлар қатъий тартибга солинади. Таснифлаш-давр ўтиши билан ўрганилаётган объект ҳақидаги билимларимизнинг ривожланишига мос равишда такомиллаштириб, тузатилиб, ривожлантириб борилади. Таснифлаш ҳар бир тушунчанинг тафаккур тизимидаги ўринин аниқлаб беради. Таснифлаш натижасида ҳосил бўлган билим предметнинг асосий хусусиятлари ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни аниқлашга имкон яратади ва бу билимлар тартибга солинган ҳисобланади<sup>1</sup>.

Кредит хатарининг банк фаолитига таъсири натижаси ўлароқ ссудалар бўйича эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун захиралар яратиш зарурати юзага келади. Мазкур захира банкларнинг молиявий фаолияти учун барқарор шароит яратилишини таъминлайди ва ссудалар бўйича кўрилган зарар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-том. Т., 2002 йил, 293 б.  
[www.pedagoglar.org](http://www.pedagoglar.org)

ҳисобдан ўчирилиши муносабати билан қиймат тебранишини четлаб ўтиш имконини беради. Ссудалар бўйича эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун захира банк харажатларига киритиладиган ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади ва ундан асосий қарз бўйича қарздорлар тўламаган ссуда қарзини тўлаш учунгина фойдаланилади.

Шундай қилиб, банклар томонидан ссудалар бўйича эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун захиралар яратилиши банк ажратган кредитнинг бир қисми қайтарилмаслиги оқибатида тўсатдан зарар кўриш омилини истисно қилиш (суғурталаш) бўйича самарали метод ҳисобланади, бироқ захира ҳисобидан тўланиши керак бўлган зарар ҳажмини белгиловчи кредит хатари миқдорини ўта аниқ белгилашни талаб этади.

Ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захираларни ташкил этиш муаммолари биринчи навбатда кредит рисклари билан боғлиқ, чунки банк амалиётида аксар ҳолларда банкларнинг банкрот деб эълон қилинишига “ёмон” кредитлар сабаб бўлади. Кредит хавфи (риски)нинг иқтисодий моҳияти кўрилатган мавзунинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Кредит рискнинг моҳиятини тушунмасдан туриб захираларнинг маъноси ва аҳамиятини аниқлаб олиш қийин.

Захиралар нима учун яратилиши, (қандай хатарни қоплаш учун), қандай мақсадга сарфланиши, қайси қоидаларга кўра шаклланиши, уларни шакллантириш ва ишлатиш эркинлиги қай даражада эканлиги банк захираларини шакллантириш ва ишлатиш тартибини белгилайди. Банк захираларининг ҳаммасини банк хатарини суғурталаш учун яратиладиган маълум тизим деб ҳисоблаш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволига таъсир қиладиган ҳар қандай кутилмаган, нохуш, фавқулодда вазиятлар, одамларнинг атайин ёки билмай қилган ҳаракатлари, олдиндан кутилган ёки кутилмаган, ҳалокатли ёки ҳалокат бўлмаган ходисалар захира яратишга объектив зарурат туғдиради.

Захира яратишдан умумий мақсад даромаднинг бир қисмини дарҳол

тақсимлашдан ушлаб қолиш ва уни келажакдаги кўпинча мавхум молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун сақлаб қўйишдан иборат. Захира режалаштирилган харажатлар кутилгандан ортиб кетганда ҳам, режалаштирилган даврда даромад пасайиб кетишини компенсация қилиш учун ҳам керак бўлиши мумкин. Шунингдек, захиралар молиявий маблағлар узилишлар билан келиб тушаётганда, уларга бўлган талабга мос келмаганда ҳам яратилади.

Банк захиралари молиявий муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаган элемент бўлиб, уларнинг яратилиши банк фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқади ва муқаррар равишда маълум хатарга жазм қилиш зарурати билан боғлиқдир. Банк бажарган деярли ҳар қандай операция хатар билан боғлиқ бўлиб, унинг даражаси турли омилларга боғлиқ.

Захира яратиш муаммосининг кўпгина жиҳатлари банк менежменти принциплари тизимига боғлиқ. Менежментдаги режалаштиришнинг умумий принциплари ичида захира яратиш принципи самарали бошқарув тизимини яратишда муҳим ўрин эгаллайди. Захира яратиш йўли билан нотўғри молиявий қарорларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш мумкин. Захира яратиш принципи бузилиши мумкин, айнан шунда банк фаолиятида шаклланадиган захираларнинг субъективлиги намоён бўлади.

Захираларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, улар бартараф этиладиган хатар моҳияти билан узвий боғлиқ. Захираларга талаб ноаниқ бўлган тақдирда уларнинг даражаси стохастик қонунга кўра ўзгариши банк захираларида ўз аксини топади. Биринчидан, банк хатари намоён бўлиши муддатлари номаълум (у ўз табиатига кўра тасодифийдир), иккинчидан, хатардан кўриладиган зарарни олдиндан билиб бўлмайди ва у кенг кўламда ўзгариб туради. Хатардан кўрилган зарар банкни банкротликка олиб келадиган даражага етиши мумкин.

Умумий ва махсус захиралар тушунчаларининг мавжуд таърифлари

олдин қайд этилган<sup>2</sup>. Аммо у ташқи белгига асосланган: фарқ ягона ссуда ва ссудалар гуруҳи орасида ўтказилади. Шунинг учун таъриф барча вазиятларни қамраб олмайди. Масалан, бир турдаги активлар портфели остига шаклланадиган захираларни умумийга киритиш керакми ёки махсусга? Формал белги бўйича кўрсатилган захираларни умумийга киритиш керак. Ҳақиқатан ҳам, агар кредит таваккаллари бошқариш ва банк назорати мақсадларида бир турдаги ссудалар портфелига битта ссуда сифатида қаралса, ссудалар портфели остига яратиладиган захиралар индивидуал ссуда остига яратиладиган захиралардан нимаси билан фарқ қилади? Алоҳида мамлакатларда бир турдаги кредитлар портфели (пул) бўйича захиралар умумий сифатида, яъни формаллаштирилган белгилардан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Бошқа кўпгина мамлакатларда эса ушбу усулда шаклланадиган захираларни махсусга киритишади.

Захираларни умумий ва махсусга ажратиш мезони сифатида кредит таваккалларининг ўсиши ва ссудаларнинг қадрсизланиш хусусияти таклиф этилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан умумий деганда тизимли (умумий) характердаги ноқулай воқеалар муносабати билан яратиладиган захираларни тушуниш керак, чунки ушбу воқеаларнинг салбий таъсири конкрет ссудалар (конкрет қарздорлар) билан идентификацияланиши мумкин эмас, аммо шартномавий мажбуриятларнинг барча қарздорлар ёки уларнинг бир қисми томонидан бажарилиш истикболларини ёмонлаштириши аниқ. Махсус захиралар конкрет қарз олувчи фаолиятининг индивидуал (махсус) ҳолатлари муносабати билан яратилади, ушбу ҳолатлар қарз олувчининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ёки қарзни қайтариш (хизмат кўрсатиш) нуқтаи назаридан унинг хатти-ҳаракатидаги салбий жиҳатларга ишора қилади. Бундай ёндашувда бир турдаги ссудалар портфели остига шаклланадиган захиралар ўзининг яратилиш сабабига қараб, ҳам умумий, ҳам махсус бўлиши мумкин. Масалан, умумий иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви

---

<sup>2</sup> Хусусан, бундай таърифни Капитал бўйича келишувда, 88 (Базель I), кўриш мумкин.

туфайли истъёмол кредитлари портфели остига яратиладиган захиралар (улар портфель сифатида бевосита акс этмагани учун) умумий захиралар сирасига киритилиши керак. Бевосита портфель сифатининг пасайиши муносабати билан яратиладиган захиралар эса махсус захираларга киради.

Шунингдек, навбатдаги савол эҳтимоли ҳам бор: захираларни умумий ва махсусга ажратиш тамойили ўзини оқлайдими? Балки уларни турларга ажратмасдан умумий “захиралар” тушунчаси билан чекланган маъқулдир? Мазмуний нуқтаи назардан бундай ечим етарлича жоиз бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам захираларнинг турига аниқлик киритишда (умумий, махсус) формал жиҳат (конкрет ссуда қийматини баҳолаш имконияти) ёки таклиф этилган вариантда кредит таваккалининг ўсиш сабаблари ва захираларни яратиш (ссудаларнинг қадрсизланиши) хусусияти аҳамиятлироқ ҳисобланади. Бироқ ушбу фарқлар ўзи захираларни турларга ажратишни талаб қилмайди. Оқилона фикр юритиш тамойилига ва турли омиллар йиғиндисининг ҳаракатига асосланган ҳолда тегишли ўлчамдаги захираларни шакллантириш етарли. Шунга қарамасдан, захиралар турларини сақлаб қолиш регулятив, шу жумладан солиқ аспекти билан оқланиши мумкин. Масалан, бундай ажратиш фискал органларга умумий захираларни яратишда солиққа тортиш мақсадларида қабул қилинадиган харажатларнинг юқори чегарасини ўрнатиш имконини беради.

Жаҳон банкининг ссудалар таснифи ва захира ташкил этиш масаласи бўйича ҳужжатидаги кириш сўзида Жаҳон банки (қуйида ЖБ) вице-президенти Чезаре Калари (Cesare Calari) турли мамлакатлар ўз ёндашувларини амалга оширадиган қуйидаги жиҳатларни қайд этиб ўтди:

ссудаларнинг таснифий тоифалари;

ягона ссуда бўйича дефолтнинг шу қарз олувчининг ўзига тақдим этилган бошқа ссудалар сифатини баҳолашга таъсири;

қайта таркиб топтирилган муаммоли ссудаларни таснифлаш бўйича талаблар.

Кўрсатилган масалалар бўйича ёндашувлардаги фарқлар ҳақиқатан ҳам

мавжуд. Аммо улар мазмуний баҳолашнинг ўзига хос хусусияти билан эмас, балки банк назорати органларининг ўз вазифаларини амалга ошириш хусусиятлари билан шартланган. Бунда у ёки бу миллий хусусиятга эга назорат функцияларининг амалга оширилиши моддий жиҳатдан етарлича яқин натижаларни бериши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Frederic S. Mishkin. The Economics of Money, Banking, and Financial Markets, 11th Edition. Pearson, 2016. – P. 235.(745 p).;
2. Gulamhussen, M.A., Pinheiro, C.M., Pozzolo, A.F. International diversification and risk of multinational banks: evidence from the pre-crisis period. J. Financ. Stabil. 13, 30–43, 2017.
3. Базельский комитет по банковскому надзору. Международная Конвергенция Оценка Капитала и Стандарты Капитала. Базель, 2002. -425 с.
4. Банк иши: Дарслик /У.Азизов ва бошқ. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2016. 786 б.
5. Банковские риски. под ред. Лаврушина О.И., Валенцевой Н.И. Финансовая академия при Прав. РФ. -2-е изд. -М.: КноРус, 2008. -132 с.
6. Kholmammatov, F., Khannaev, S., & Ruzimorotov, O. (2021). Assessment Of The Competitive Environment In The Bank Market Of Uzbekistan Through "Bun" Indicator. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).
7. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews, 7(7), 387-390.
8. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. World Economics and Finance Bulletin, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>

9. Kholmamatov, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>

10. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo'llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>

11. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>

12. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>